

Маҳорат мактабига марҳабо!



16:06 / 12.09.2023 1653

«Hilol Nashr» таҳририяти ҳамда «Grand ta'lim» маскани қошида таржима ва таҳрир соҳасига оид «Маҳорат мактаби» очилаётганини маълум қиламиз.

«Маҳорат мактаби»да сиз ўзбек тили мутахассислари, моҳир муҳаррирлар, етарли тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва таржимонларнинг назарий ва амалий билимларидан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Мазкур суҳбатнинг илк сонини 25 йилдан ортиқ таҳрир ишида фаолият кўрсатиб келаётган устоз, «Муҳаррир» нашриёти раҳбари, филология фанлари номзоди Абдуғафур Искандар очик дарс кўринишида бошлаб берадилар.

Унда бошқалардан гўзалликда, мафтункорликда ҳеч қолишмайдиган ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос кайфияти ҳақида

суҳбатлашамиз, тилимизу юрагимизда унинг «таъми»ни туйишга уриниб кўрамиз...

«Маҳорат дарси» 16 сентябрь куни соат 10:00 да «Hilol Nashr» нашриётининг мажлислар залида бўлиб ўтади.